

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ХАЛҚАРО ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чже Иннинг таклифига биноан 30 октябрь куни Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида ўтган Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу тadbир Президент Мун Чже Ин ташаббуси билан ўтказилган бўлиб, бу гал унинг ишида Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистон етакчилари ҳам қатнашди.

Қун тартибига мувофиқ, коронавирус инфекцияси глобал микёсда тарқалишининг салбий оқибатларига қарши биргаликда курашиш ва саъй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш ҳамда кўп томонлама ҳамкорлики янада кенгайтириш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида жаҳондаги мушкул вазият ва глобал инқироз шароитида айнан шундай кўп томонлама мулоқот янги хатар ва таҳдидларга самарали қарши туриш учун имконият яратиб, мамлакатларимиз барқарорлиги, фаровонлиги ва изчил тараққиётини таъминлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 30 октябрь куни мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан соҳа вакилларига йўллаган табрик нутқида таъкидлаганидек, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллиятни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига қатта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда. Мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятида сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

— Биз устозни отадай улуғ деб билган, доимо ардоқлаган маърифатпарвар халқнинг вакилларимиз. Мен ҳам ўқитувчи, муаллим деганда ўзим учун энг азиз ва ҳурматли бўлган, зиёли ва замонавий, самимий ва меҳрибон инсонларни тасаввур қиламан. Чунки ҳаммамизга ҳам шу муаллим сабоқ ва таълим бериб, меҳрибон ота-оналаримиз қаторида тарбиялаган, — деди давлат раҳбари йиғилиш аввалида. — Бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратяпмиз. Бунда бизнинг энг яқин кўмакчиларимиз устоз ва мураббийлар, илмий ва иходкор зиёлилардир.

Хар бир оила, хар бир бола ҳаёти мактаб билан боғланган, бу масала давлатнинг, жамиятнинг энг муҳим иши экани таъкидланди.

— Ҳаммамиз азиз фарзандларимиз ҳаёти ва тақдирини ўқитувчи ва мураббийларга ишониб топширамиз. Мана шундай бекиёс бойлик посбонлари, келажақ бунёдкорлари бўлган бу мўътабар зотларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз керак, — деди Президент.

Йиғилишда бугунги модернизация жараёнида, ихлоқ ва ўзгаришлар натижадорлиги мактаб таълимига, янги авлод кадрларини етиштириш масаласига бориб тақалаётгани қайд этилди. Шу боис мактаб директорлари ва муаллимларга кўп нарсаси бўлган. Улар қишлоқ ва шаҳарларда таълим-тарбия, маданият ва маънавият тарқатадиган фидойи кишиларидир. Мактаблар нафақат таълим маскани, балки маҳалланинг маданий, интеллектуал маркази бўлиши зарур.

Маълумки, мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш мақсадида Президент Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат regulation.gov.uz порталига қўйилиб, барча ҳудудда, маҳаллий Кенгашларда ва мактаб жамоаларида ота-оналар иштирокида кенг муҳокама қилинди.

Фармон лойиҳасида таълимдаги ҳозирги муаммоларни ҳал қилдиган, яқин беш йилда натижасини кўрсатадиган ва кейинги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган мақсадлар қамраб олинган.

Жумладан, жамиятда муаллимнинг обрў-эътибори ва макomini кўтариш, ўқув дастурлари ва методикасини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, мактабни таълимнинг кейинги босқичлари билан узвий боғлаш, ўқитувчиларни ортиқча қозғо-

бозликдан халос этиб, ўз устида кўпроқ ишлаши учун шароит яратиш ва шунинг билан таълим масаласига ёндашуви ва эътиборини тўбдан ўзгариши, уларнинг масъулияти, жавобгарлиги ва ихтидорлиги механизми киритилмоқда.

Энг асосийси, жойлардаги раҳбарларнинг, шунингдек, маҳаллий Кенгашларнинг ушбу муҳим масаласига ёндашуви ва эътиборини тўбдан ўзгариши, уларнинг масъулияти, жавобгарлиги ва ихтидорлиги механизми киритилмоқда.

Видеоселектор йиғилишида таълим соҳасидаги муаммолар, уларни ҳал этиш, таълим сифатини оширишга оид вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари аввало мактабларда ўқув юкламаси ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга қўлайдиган методика яратиш зарурлигини таъкидлади.

Бу борада Финляндия таърибаси мисол қилиб келтирилди. Ушбу мамлакат умумий саводхонлик, табиий фанлар ва математика бўйича дунёда энг илгорлардан бири.

— Мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Дунёдаги замонавий ўқув дастурлари, ўқитиш методикаларини ўрганиб, юртимиз умумтаълим мактабларида жорий қилиш муҳимлиги таъкидланди. Халқ таълими вазирига ушбу таърибга асосида Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиб, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига синов тариқасида татбиқ этиш вазифаси қўйилди.

Янги методикани самарали йўлга қўйиш учун барча мактаб ўқитувчилари видеолоқа орқали ҳоржий мутахассислар иштирокида ўқитилди. Энг муҳими, бу жараёнда педагогика йўналишидаги университет ва институтлар ҳам жалб қилиниб, педагог кадрлар тайёрлаш методикаси ҳам янгиланди. Шунингдек, математика, физика, кимё, биология ва информатика фанлари бўйича чет эллардаги илгор дарсликлар чуқур ўрганиб чиқилди.

Мактабларни таъмирлаш, ободонлаштириш, иситиш каби ҳўжалик масалаларига ҳокимлар шахсан масъул экани эслатиб ўтилди. Шунингдек, олий ўқув юртига кира олмаган кўчурувчиларни муайян касб-хунар ёки тadbиркорликка жалб этиш муҳим.

Шу боис келгуси йилдан бошлаб 7-синфдан ўғил-қизларнинг касбга қизиқишларини аниқлаш ва босқичма-босқич касбга йўналтириш амалиёти жорий қилиниши белгиланди. Ҳудуддаги саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш корхоналари мактабларга бириктирилди.

Хар бир мактаб рейтингини ҳамда шу асосда таълим сифати бўйича туман, шаҳар ва вилоятлар рейтингини ишлаб чиқиш зарурлиги айтилди. Рейтинг натижаларига қараб, мактаб директорлари ва ўринбосарлари, ўқитувчилар, ҳокимлар ва уларнинг таълим бўйича маслаҳатчилари фаолиятига баҳо берилди.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Раис жаноблари! Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Форум иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар!

Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумининг барча иштирокчиларини кутлаш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин Жаноби Олийларига коронавирус оқибатларини биргаликда енгиб ўтиш ва шериклигимизни кенгайтириш масалаларига бағишланган ушбу муҳим тadbирда иштирок этиш таклифи учун миннатдорлик билдираман.

Жаҳондаги мушкул вазият ва глобал инқироз шароитида айнан шундай кўп томонлама мулоқот янги хатар ва таҳдидларга самарали қарши туриш учун имконият яратиб, мамлакатларимиз барқарорлиги, фаровонлиги ва изчил тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳурматли форум иштирокчилари! Биз Ўзбекистонда Корея Республикаси Президентининг кенг Евроосиё маконида хавфсизлигини таъминлаш ва кўп қиррали ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган «Янги шимолий сиёсати»ни юксак баҳолаймиз.

Минтақавий сиёсатнинг энг муҳим жиҳатлари ва ҳамкорлигимиз истиқболларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан. COVID-19нинг глобал микёсда тарқалиши минтақа давлатлари ўртасида яқин мувофиқлашув ва кенг халқаро ҳамкорлик бўлиши зарурлигини кўрсатди.

Кореялик ва бошқа шерикларимизни Ўзбекистонда ушбу касалликка қарши курашишда кўрсатишга кўмак учун миннатдорлик билдираман.

Биргаликдаги ишларни қуйидаги

йўналишларда давом эттиришни таклиф этаман:

— Корея компаниялари билан биргаликда ташкил этилаётган фармацевтика кластери негизда самарали вакцина ва зардоблар, касалликларни тез ва аниқ ташхислаш тизимларини ишлаб чиқиш;

— замонавий лабораториялар ташкил этиш ва чегараларимиздаги санитария назорати пунктларини модернизация қилиш;

— Корея Республикасининг етакчи олий таълим муассасалари иштирокида эпидемиолог ва вирусолог врачларни тайёрлаш;

— тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналарини ташкил этиш;

— минтақада эпидемиолог вазиятини мониторинг қилиш ва барвақт прогнозлаштиришнинг интеграциялашган тизимини жорий этиш.

Иккинчидан. Биз Корея Республикасини мамлакатимизга рақамли ва «яшил» технологияларни келтиришда асосий ҳамкорлардан бири деб биламиз.

Бугунги кунда Кореянинг етакчи компания ва банклари иштирокида Ўзбекистонда юқори технология тармоқларда ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Биз корейлик инвесторлар фаолиятини бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз ва рағбатлантираемиз.

Шунингдек, Сеул шаҳрида бўлиб ўтадиган «Яшил» тараққиёт ва 2030 йилга қадар глобал мақсадлар учун шериклик халқаро саммитида фаол иштирок этишга тайёрмиз.

Учинчидан. «Янги шимолий сиёсат»нинг изчил амалга оширилиши самарали минтақавий транспорт йўлакларини ривожлантиришнинг долзарб аҳамиятини кўрсатмоқда.

Бу борада сўз юритилганда, аввало, Транс-сибирь магистрალი ва «Ғарбий Европа — Ғарбий Хитой» йўлаги маршрутларини минтақамиздаги янги темир йўллар куриш лойиҳалари билан ўзаро боғлаш зарурлигини қайд этиш лозим.

Бундай шароитда Корея яриморали Тинч океани минтақасини Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан боғлайдиган гўятда муҳим коммуникация кўприги бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ушбу ноёб имкониятларни экспертлар даражасида кўриб чиқишни таклиф этамиз. Тўртинчидан. Шериклигимизни мустаҳкамлашда «Марказий Осиё — Корея Республикаси» форуми муҳим роль ўйнайди.

Унинг доирасида янги ташаббус ва лойиҳалар амалга оширилмоқда, инвестициялар, инновациялар, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларидаги зотлар манфаатли ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда ҳамкорлигимизни янги, янада юқори босқичга олиб чиқиш ҳамда Форум йиғилишини давлатларимиз ҳукуматлари раҳбарлари иштирокида ўтказишга объектив зарурат сезилмоқда.

Ишончим комил, биргаликда «Марказий Осиё — Корея Республикаси» форумини устувор дастур ва лойиҳаларни илгари суришини таъсирчан механизмга айлантираемиз.

Бешинчидан. Президент Мун Чже Иннинг Корея яриморалида мустаҳкам тинчликка эришиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини Ўзбекистон ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ҳамда уларга минтақавий ва глобал хавфсизлигини таъминлашга муҳим ҳисса сифатида қарайди.

Мамлакатда пул-кредит, валюта, солиқ ва ташқи савдо сиёсати соҳаларида тadbиркорлик фаолиятини юритиш учун қўлай шароитлар яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, экспертларнинг баҳолашлари ва тadbиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилаётган сўровлар иқтисодиётдаги яширин айланманинг, айниқса, савдо ва умумий овқатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, тураржой хизматларини кўрсатиш каби соҳаларда юқори даражада сақланиб қолаётганлигидан далолат беради, бу эса виждонли тadbиркорларнинг иқтисодий манфаатларига путур етказмоқда, улар учун тенг бўлмаган бизнес юритиш шартларини юзага келтирмоқда. Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш,

тadbиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан тартибга солиш ва маъмурий юқни камайтириш ҳисобига тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан:

а) 2022 йил 1 январгача бўлган муддатга умумий овқатланиш соҳасидаги кичик тadbиркорлик субъектларининг банк карталари ва контактсиз тўловлардан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан олинган даромадлари умумбелгиланган солиқларни тўлашга мажбурий тартибда ўтиш мақсадида умумий даромадга киритилмаслиги тартиби жорий этилади;

б) ризлторлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 25 фоиздан 13 фоизгача пасайтирилади;

в) қурилиш корхоналарига ҳисобот даври учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди жами микдорининг 10 фоизидан ошмаган ҳажмда (ижтимоий солиқ суммасини ҳисобга олмганда) иш ҳақини нақд пулда тўлаш ҳуқуқи билан шартнома тузмасдан муддатли равишда ишчилар ёллашга рухсат берилади. Бунда:

қурилиш ташкилотлари белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқнинг тўлиқлигини таъминлайди, шунингдек, ҳар ойда шартнома тузмасдан ёлланган ишчиларга тўланган нақд пул микдорини қўрсатган ҳолда уларнинг реестрини давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилиб боради;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

давлат солиқ хизмати органлари қурилиш ташкилотлари томонидан тақдим этилган реестрлар асосида солиқ тўловчиларни автоматик равишда идентификация қилади ва тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисобга олинишини таъминлайди.

Белгилансинки, шартнома тузмасдан ишга ёлланган шахсларга ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар рўй берган тақдирда ҳодимларни ижтимоий ҳимоя қилишни назарда тутувчи қонун ҳужжатлари нормалари татбиқ этилади.

2. Куйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

хўжалик юритувчи субъектларга корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда товарларни (хизматларни) шартнома тузмасдан сотиб олишга руҳсат берилади, бироқ бунда электрон счёт-фактуралар ёки онлайн-касса машиналарининг чеклари мажбурий равишда олиниши шарт;

2022 йил 1 январгача шундай тартиб ўрнатилганки, унга мувофиқ, давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ аудити тайинланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

сайёр солиқ текширувлари давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат солиқ кўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда солиқ текширувларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда унинг тартиб-таомилларини тубдан соддалаштириш, шунингдек, текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширишни кўзда тутган ҳолда солиқ текширувларини ўтказиш тартибини белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. **Яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича махсус комиссия** (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) **қисқартириш бўйича ҳудудий комиссиялар** (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) 2-иловага мувофиқ намунавий таркибда ташкил этилсин.

Яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан қуйидагилар **Махсус комиссиянинг асосий вазифаси** этиб белгилансин:

бизнеснинг “соядан” чиқишини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, солиқ режимини соддалаштириш ҳамда нақдсиз тўловларни кенгайтириш чораларини кўриш;

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шаклланган бизнес юритиш амалиётига мослаштириш;

солиқ ва божхона маъмуриятчилиги воситалари ҳисоб ва тушумларнинг тўлиқлигига, шу жумладан солиқлардан бўйин товланган жисмоний ва юридик шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишга қаратилишини таъминлаш;

яширин иқтисодиётга қарши курашиш фаолиятини “пулни ювиш”га қарши курашиш соҳасидаги ташкилотлар фаолияти билан мувофиқлаштириш;

очиклик ва шаффофликни таъминлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашишга кенг жамоатчиликни, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, жамиятда яширин иқтисодиётга муросасизлик ҳиссини шакллантириш, легал бизнес юритишнинг нуфузини ошириш.

4. Жойларда қуйидаги тадбирларни мувофиқлаштириш ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тадбиркорларга фаолиятини қонунийлаштиришда ва зарур рухсатномаларни олишда ёрдам бериш, шунингдек, улар билан профиллактика ишларини олиб бориш;

яширин иқтисодиётнинг шаклланишига олиб келадиган сабаблар ва омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

ноқонуний олиб кирилган ёки контрафакт товарларни, шунингдек, юк ташиш ҳужжатларисиз мамлакат ичида ҳаракатланаётган товарларни сотишга қарши курашиш;

биринчи навбатда акцизоти маҳсулотларни ноқонуний

ишлаб чиқариш, сотиш ва сақлаш ҳолатларини аниқлаш орқали давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва даромадларни яширишнинг олдини олиш;

аввало қурилиш объектларида ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги норасмий меҳнат фаолиятини юритиш, шунингдек, иш ҳақини “конвертда” тўлаш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш.

5. Ҳудудий комиссиялар:

икки ҳафта муддатда ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ва масъул органлар ҳамда ташкилотларни белгиланган ҳолда **«йўл хариталари»ни ишлаб чиқсин** ва қутилаётган натижаларни кўрсатган ҳолда уларни Махсус комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этсин;

ҳар чоракда яширин иқтисодиётга қарши курашишни тақомиллаштириш бўйича таклифларни Махсус комиссияга кўриб чиқиш учун киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига “йўл хариталари”да назарда тутилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши ҳамда ҳудудлар даражасида яширин иқтисодиётни қисқартириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

6. Махсус комиссия (Ж.Кўчқоров) 2021 йил 1 февралга қадар масъул вазирлик ва идораларнинг иши сифатли ташкил этилишини таъминлаб ҳамда бизнес ҳамжамияти, хорижий ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда **2021 — 2025 йилларда яширин иқтисодиётни қисқартириш стратегиясини** ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

7. **Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишда вазирлик ва идораларнинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда солиқ ва божхона маъмуриятчилигини тақомиллаштириш бўйича “Йўл харита”**си 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Махсус комиссия яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш бўйича, шу жумладан “Йўл харитаси”да кўзда тутилган чора-тадбирларга доир таклифлар муҳокама қилинишини таъминласин, шунингдек, ҳар ой эришилган натижалар бўйича ҳисоботларни эшитиб борисин.

Вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига “Йўл харитаси”нинг ўз вақтида ва тўлиқ ихро этилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

8. Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар:

ўзини ўзи банд қилган шахслар ва хунармандлар томонидан ҳамда умумий оватқаланиш пунктларида сотиладиган товарлар ва хизматлар учун аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда контактсиз технологияларнинг жорий этилишини таъминласин;

банкوماتлар ва кўп функцияли ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминаллари тармоғини кенгайтирсин ва уларнинг сонини 10 мингга етказсин;

халқаро молия институтларининг техник ёрдамини жалб қилган ҳолда, **нақдсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини** ишлаб чиқсин.

9. Давлат солиқ кўмитаси ва Молия вазирлигининг онлайн касса машиналарининг чекларида акс эттирилган QR-код ёки фискал белги асосида совринли ўйинларни ўтказиш бўйича Тошкент шаҳрида амалга оширилган **экспериментни**, кўзда тутилган бюджет ажратмалари доирасида 2020 йилда республиканинг барча ҳудудларида **амалга ошириш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. Давлат солиқ кўмитаси:

а) бир ой муддатда шундай тартиб жорий қилсинки, унга мувофиқ, назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларидан фойдаланган бўйича сайёр текширувлар солиқ тўловчилар кесимидаги чораклик режа-жадвал асосида амалга оширилиши мумкин ҳамда текширув натижалари ва улар бўйича солиқ низоларини кўриб чиқиш натижалари эълон қилиб борилади;

б) икки ой муддатда:

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кирувчи давлатларнинг солиқ идоралари ўртасида солиқ маълумотларининг автоматлаштирилган алмашинуви

Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Давлат солиқ кўмитаси раисининг яширин иқтисодиётни қисқартириш масалалари бўйича доимий маслаҳатчиси — чет эллик мутахассисни танлов асосида жалб қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган товарлар ва хизматларни таснифлаш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) тадбиркорлик субъектлари ўртасида тўлов терминаллари ва онлайн назорат-касса машиналаридан фойдаланмасдан фаолиятни амалга оширганлик учун жавобгарлик чоралари тўғрисида **мунтазам равишда**, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини олиб бори

11. Куйидагилар Ҳисоб палатасининг қўшимча вазифалари сифатида белгилансин:

яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ҳудудий комиссиялар томонидан 2021 — 2025 йилларда яширин иқтисодиётни қисқартириш стратегияси ҳамда қабул қилинган “йўл хариталари” амалга оширилишини назорат қилиш; давлат бошқарув органларида, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улushi 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган муассаса ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали ички назорат тизимлари жорий қилинишини таъминлаш чоралари амалга оширилишини назорат қилиш;

яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиб бориш.

12. Ҳисоб палатаси тузилмасида бошқарув ҳодимлари штат бирликлари доирасида Иқтисодиётда яширин айланмани қамайтириш ва бюджет даромадларининг қўшимча маблағларини аниқлаш шубҳаси ташкил этилсин.

13. Давлат солиқ кўмитаси 2021 йил 1 апрелгача 4-иловага мувофиқ реал вақт режимида қўшимча маълумотлар алмашинувини таъминлайдиган идоралараро аппарат мажмуасини фойдаланишга топширсин.

14. Давлат солиқ кўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказини (кейинги ўринларда — Марказ) замонавий сервер ускуналари ва тегишли дастурий таъминот билан таъминлашни тезлаштириш ва бирламчи қўшимча жиҳозлаш мақсадида Молия вазирлиги 2020 йилда Давлат солиқ кўмитасига республика бюджетининг ортқича бажарилган даромадлари ҳисобидан 100 миллиард сўмгача бўлган миқдорда маблағ ажратсин.

Давлат солиқ кўмитаси ва Молия вазирлиги Марказни модернизация қилиш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари ҳодимларининг малакасини ошириш учун Жаҳон банкнинг имтиёзли кредитини жалб қилишни тезлаштирсин.

Марказни жиҳозлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, дастурий ва моддий-техник воситалар 2022 йил 1 январга қадар божхона божидан озод қилинсин.

Давлат солиқ кўмитасига, истисно тариқасида, Марказни жиҳозлаш учун ускуналарни, дастурий ва моддий-техник воситаларни лойиҳалаштириш, етказиб бериш ва ўрнатиш, шунингдек, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олиш ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан шартномалар (контрактлар) тузишга руҳсат берилсин.

Давлат солиқ кўмитаси раиси Ш.Кудбиев зиммасига Марказни жиҳозлаш учун зарур ускуналар, дастурий ва моддий-техник воситалар хариди жараёнининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, харид жараёнлари натижаларини эълон қилиш юзасидан жавобгарлик юклатилсин.

15. Тегисли вазирлик ва идораларнинг умумий штат бирлиги доирасида:

а) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги таркибида — **Яширин иқтисодиётни таҳлил қилиш бошқармаси** ташкил этилсин, таҳлиллар ўтказиш ва яширин фаолият даражаси юқори бўлган иқтисодиёт соҳаларини аниқлаш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

б) Давлат солиқ кўмитаси таркибида:

Солиқ назорати департаменти ташкил этилсин, юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш, қўшилган қиймат солиғи билан боғлиқ фирибгарлик схемаларини аниқлаш ва агрессив солиқ режалаштиришга қарши курашиш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

2021 йил 1 июлдан бошлаб махсус таркибий бўлинма ташкил этилсин, солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш ва аниқлаш, шунингдек, қўшилган қиймат солиғи занжирини шакллантиришда контрагентлар ўртасида ҳисоб-китобларни таҳлил қилиш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

в) Молия вазирлигида — **яширин иқтисодиётни қисқартириш ишларини ташкил этиш бўлими** тузилсин, унга Махсус комиссиянинг ишчи органи вазифалари ҳам юклансин.

16. **2020 йил 1 ноябрдан** давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ҳодимлари сони 1 154 штат бирлигига ёки 10 фоизга қисқартирилсин.

Давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ҳодимларининг умумий чекланган сони 10 512 штат бирлиги, шу жумладан Давлат солиқ кўмитасининг марказий аппаратида — 498 штат бирлиги этиб белгилансин.

17. **Куйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси **марказий аппаратининг тузилмаси** 5-иловага мувофиқ;

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг тузилмаси 6-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқаруварининг тузилмаси 7-иловага мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекцияларининг тузилмаси 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

18. Давлат солиқ кўмитаси раисига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарур ҳолларда марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларнинг, шунингдек, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг тасдиқланган тузилмаларига бошқарув ҳодимларининг умумий чекланган сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш; бўйсунувидаги хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар ҳодимлари сонини белгилаш, уларнинг тузилмасини, штат бирликларини, шу жумладан бошқарув ҳодимларининг штат бирликларини, иш ҳақи фондини, харажатлар сметасини, транспорт воситаларининг лимитини тасдиқлаш, шунингдек, уларнинг мол-мулкни тасарруф этиш.

19. Белгилансинки, давлат солиқ хизмати ва божхона хизмати органларининг мансабдор шахслари назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фақат солиқ, божхона ва валюта қонунчилигига риоя қилишга доир текширувларни ўтказиш учун ҳафтасига 16 иш соатидан кўп бўлмаган муддатга жалб қилиниши мумкин.

20. Махсус комиссия (Ж.Кўчқоров) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тадбиркорлар ва аҳолини қонуний бизнес юритишнинг нуфузини ошириш ва ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шугўлланувчи шахсларга нисбатан муросасизлик ҳиссини тарғиб қилишга жалб этиш бўйича “медиа-режа”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 9-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

22. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2020 йил 30 октябрь		

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ХАЛҚАРО ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

◀(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари ушбу ноёб лойиҳаларни амалга ошириш масаласини экспертлар даражасида кўриб чиқишни бошлаш таклифини илгари сурди.

«Марказий Осиё — Корея Республикаси» форуми доирасида Ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу формат доирасидаги шерикликни янги, янада юқори босқичга олиб чиқиш ҳамда форум йиғилишини ҳукумат раҳбарлари иштирокида ўтказишга объектив зарурат сезилаётгани қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чже Иннинг Корея ариморлидаги муостаҳкам тинчликка эришиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини минтақада ва глобал хавфсизликни таъминлашга муҳим ҳисса сифатида қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади.

Кенг тажриба алмашиш мақсадида Яд-ровий курселарини, ядровий қурулдон холи ҳудудлар яратиш масалалари бўйича халқаро экспертлик форумини ўтказиш так-лиф этилди.

Нутқини яқунлар экан, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Жанубий Корея алоҳида аҳамиятга эга, ишончли стратегик шер-иклар эканини, муносабатларимиз бир неча минг йиллик тарихга эгаллигини таъ-кидлади. Ушбу форум мамлакатларимизнинг узоқ муддатли ва серқирра ҳамкорлигини бутун минтақа тинчлиги ва раванки йўлида ривожлантириш учун янги истиқболлар очиб беришга ишонч билдирди.

Шунингдек, тадбир дастурига мувофиқ форумда Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов нутқ сўзлади-лар, Мўғулстон Президенти Халтмаагийн Баттулғанинг мурожаати ўқиб эшитти-рилди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ХАЛҚАРО ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

◀(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Рейтингда биринчи бешликка кирган мактаб дирек-торларига маҳаллий бюджетдан устима тўланади. Ху-сусан, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосар-ларига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 бараваридан 12 бараваригача рағбатлантирувчи тўловлар берилади. Шу билан бирга, халқ таълими бўлими раҳбари ва методисти, мактаб директорлари, туман рейтингида биринчи ва иккинчи ўринни эгалла-ган мактабларнинг 2 нафар илгор ўқитувчисига каса-ба уюшмалари ҳисобидан ҳар йили сижатҳоҳларга икки ҳафталик бепул йўлланма берилади. Шунингдек, фидойи педагоглар бошқа йўллар билан ҳам рағбатлантири-лади.

Йиғилишда педагог кадрлар малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда педагоглар ҳар 5 йилда, раҳбар кадр-лар эса ҳар 3 йилда малака оширмоқда. Лекин бу тўла қамров учун етарли эмас. Жорий йилда Сирдарё вилоятида 11 минг нафар мактаб ўқитувчисининг бар-часи синов тариқасида масофавий малака ошириш курслари билан қамраб олинмоқда.

Келгуси йили Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоят-лари ва Тошкент шаҳрида малака ошириш бўйича ма-софадан ўқитиш ташкил этилади. Тошкент давлат пе-дагогика университети педагог кадрлар малакасини оширишда республикада етакчи олийгоҳ этиб белги-ланади. Авлоий номидаги малака ошириш институти эса таълим муаммоларини чуқур ўрганадиган илмий-тадқиқот даргоҳи бўлади.

Ўқитувчилар тоифасини белгилаш тартибини ҳам

тубдан қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Бугунги кунда халқ таълими тизимида меҳнат қи-лаётган 490 мингдан зиёд педагогларнинг 4 фоизи олий, 15 фоизи биринчи тоифага эга. 4 босқичдан иборат амалдаги аттестация тизимида қоғозбозлик ҳанузгача сақланиб қолган.

Шу боис мутасаддиларга тоифа бериш тартибини соддалаштириш, педагоглар билимини йил давомида баҳолаш имконини бевуҳида 2 босқичли тизимга ўтиш бўйича кўрсатма берилди.

Яна бир муаммо — таълим сифати пастлиги, мод-дий-техника базаси етарли бўлмагани сабабли айрим мактаблар тўлиқ қувватда ишламаяпти. Масалан, Тош-кент шаҳридаги 32 та мактабда ўқувчиларни қамраб олиш даражаси паст.

Мамлакатимизда хусусий таълим муассасаларига кенг шароит яратилаётгани боис келгуси йилдан экс-перимент тариқасида кам қувватда ишлаётган мак-табларни танлов асосида салоҳиятли талабгорларга ишончли бошқарувга бериш таклифи билдирилди.

Мактабларда замонавий бошқарувни жорий қилиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Энди мактаб ди-ректорларини лавозимга тайинлаш бевосита маҳал-лий Кенгашлар билан қелишишдан ҳолда, танлов асо-сида амалга оширилади. Ҳар бир номзод мактабнинг кўрсаткичларини келгуси 3 йилда юқори даражага олиб чиқиш бўйича ўз дастури билан танловда иштирок этади ва ҳар йили Кенгашлар олдида ҳисобот беради.

Бундан асосий мақсад — мактабларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш, директорлар ишига ноқону-ний аралашувлар ва кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш.

Икки мамлакат тарихидаги илк парламентлараро мулоқот

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоевнинг Исландия парламенти Ташки ишлар кўмитаси раиси ва Парламентлараро Иттифокдаги Исландия делегацияси раҳбари Зигридур Андерсен билан онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Биз ва жаҳон

Мулоқотда Ўзбекистон хорижий ҳам-корлар билан, шу жумладан, Исландия билан алоқаларни фаол ривожлантириш-га интилаётгани таъкидланди. Халқаро

алоқалар шакли ва мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириб юрган коронави-рус пандемиясига қарамай, бу йўналиш-даги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

COVID-19 билан боғлиқ глобал инқи-розни бартараф қилишда яқин халқаро шериклик муҳим аҳамиятга эга эканли-

ЕТУК КАДРЛАР ЮРТИМИЗ РАВНАҚИНИНГ ТАЯНЧИДИР

Президентимиз раислигида кеча ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жалдлаштириш масалалари атрофлича муҳокама этилди. Унда иштирок этган депутатлик корпуси вакиллари муҳбиримизга йиғилишда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Муносабат

Ақтам ҲАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:



— Видеоселектор йиғилишида илм-фан соҳаси тараққиётини кафолатлаш мақсадида ишлаб чиқилган Президент Фармони лойиҳаси ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Кайд этиш жоиз, ушбу ҳужжатда таълимдаги ҳозирги муаммоларни ҳал қиладиган, ақин беш йилда натижа-сини кўрсатадиган ва кейинги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган мақсадлар қамраб олинган. Айни пайтда лойиҳа муҳокамаларида билдирилаётган тақлифлар унинг ҳаётийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари тегишли ташкилот ва идора вакиллари республикадаги мавжуд бўш объектларни “қуруқ” ушлаб турмасдан ҳудудларда нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш учун хусусий сектор вакилларига ишончини бошқарувга бериш кераклигини таъкидлади.

Албатта, бу ўта муҳим ташаббусдир. Эндиликда ишончини бошқарув-чига нодавлат таълим ташкилоти фаолиятини йўлга қўйиш учун умум-таълим муассасасининг бўш турган бинолари ва ер майдонлари ажратил-лади. Бинобарин, бугун таълим хизматларини кўрсатиш бўйича хусусий секторнинг салмоқини кенгайтириш, ҳудудларда нодавлат таълим ташкилотларини ташкил этиш орқали рақобат муҳитини шаклланти-риш, таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ.

Шунингдек, йиғилишда Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси депутатла-ри зиммасига ҳам катта вазифалар юклатилди. Эндиликда халқ вакилла-ри тегишли ташкилотлар билан бир-галикда Президентимиз бошлаб бер-ган жуда кенг қамровли таълимга доир ислохотлар, қўйилган вазифалар иж-росини таъминлашда парламен-тарзоратининг барча таъсирчан шаклла-ридан фойдаланади. Назорат ку-чайтирилган жойда эса албатта, тартиб-интизом, ривожланиш бўлади.

Хўш, биз нима учун бугун таълим-тарбия тизимини ривожлантиришга бу қадар қаттиқ бел боғладик? Боиси

шиддат билан ривожланаётган ҳозир-ги замонавий технологиялар асри бу борада олдимизга қоят муҳим ва дол-зарб вазифаларни қўймоқда. Зотан, қайси соҳани олмайлик, замонавий етук кадрларни тарбияламасдан ту-риб, бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз.

Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, “Миллий тикланиш” ДП фракцияси раҳбари:

— Давлатимиз раҳбарининг Ўқитувчи ва мураббийлар кунигадаги тарихий нукти Ўзбекистонда учинчи Ўйғониш даврининг моҳиятини очиб берган бўлса, йиғилишда муҳокама қилинган Фармон лойиҳаси Ўйғониш ғоясини амалга оширишнинг замин-и, амалий дастури бўлди.

Унга кўра, ўқитувчилар макомини ошириш, таълим муассасалари шарт-шароитини яхшилаш билан боғлиқ масалаларга энди ҳокимликлар масъ-



ул қилиб белгиланди. Халқ таълими вазирлиги мактабнинг мазмунига жа-воб берса, ҳокимлар ташкилий жи-хатлариغا жавоб беради. Яъни энди ҳокимлар ишига ўз ҳудудидagi таъ-лим-тарбия муассасаларида яратил-ган шарт-шароитга қараб ҳам баҳо берилади.

Лойиҳа эълон қилингандан бош-лаб, барча даражадаги 1400 га яқин депутатларимиз мактабгача таълим ва мактаблардаги сийловчилари би-лан учрашиб, Фармон бўйича фикр-ларини ўрганди, тақлифларини олди. Уларнинг айримларини изоҳласак.

Мисол учун, умумтаълим мактаб-ларида жорий қилинган Тарбия дарс-лиги миллий ва умуминсоний қадри-ятларга таянган, илмий-имоний, фи-дий ёш авлодни тарбиялашда му-ҳим аҳамиятга эга. Ушбу дарсни ма-темастика, география ёки тарих фани ўқитувчиси ўтса, мақсадга эришиб бўлмайди. Бу дарсни психология, пе-дагогика, физиология билан бирга диний ва дунёвий билимларга эга бўлган тарбиячилар ўтиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, мактабларимизда ху-сусий шериклик асосида охионалар ташкил этиш, 1 — 5-синф ўқувчилари-ни енгил тушлик билан таъминлаш

масаласини ҳал қилиш зарур. Бу ўсиб келаётган фарзандларимизнинг соғлом вояга етишларида, ўқув машғулотларини чуқур ўзлаштириш-ларида муҳим ўрин тутди.

Фармон билан мамлакатимизда илм-фан соҳасини жадал ривож-лантириш бўйича ҳам вазифалар бел-гиланмоқда. Афсуски, яқин 20 йил ичи-да ўзбек тилини технология тарақ-қиёт ва илм тили қилиш учун етарли ҳаракат қилинмади. Бу борада Президент томонидан имзоланган “Ўзбек тилининг давлат тили сифати-даги нуфузи ва мавқеини тубдан оши-риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон туб бурилиш нуктаси бўлди. Шу маънода, ўзбек тилининг замона-вий илм тили бўлиши учун қўйлаб му-ҳим илмий адабиётларни ўзбек тилига таржима қилиш мақсадга мувофиқ.

Улугбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари:

— Халқимиз турмушини янада ях-шлайдиган, давлатимиз мавқеини оширадиган, жаҳондаги илғор кадрли-риги барча соҳага олиб кира ола-диган янги авлод кадрлари ўз-ўзидан етишиб чиқмайди. Бунинг учун таъ-лимга, тарбияга ёндашув концепция-сини тубдан ўзгариштиш талаб эти-лади. Кейинги йилларда амалга оши-рилган изчил ислохотлар ушбу соҳа-да йиллар давомида тўпналиб қолган тизимли, айтиш мумкинки, эски му-аммоларни тугатиб, янги давр пой-деворини барпо этиш учун мустаҳкам замин яратди.

Президент Фармони лойиҳасида мазкур соҳани натижадорлик нуктаи-назаридан янги даражага кўтариш на-зарда тутилган.

Лойиҳа Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларда соҳа фидойилари, етук мутахассис-лар, жамоатчилик вакиллари иштиро-кида кенг муҳокама этилмоқда.

Шу ўринда фракциямиз нуктаи назарини билдирадиган бўлсак, таъ-лим муассасалари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида ҳамкор-ликни кучайтириш масаласи мамла-катимизда таълим-тарбия ҳақда илм-фан соҳаларини янада ривож-лантиришнинг асосий йўналишлари-дан бири этиб белгиланиши мақ-садга мувофиқ бўлади.

Эсласак, аввалги даврлардаги тур-ли омиллар таъсирида ота-оналар, маҳалла мактабдан узоқлашган эди. Энди шундай бир рағбат, хайрихоҳ-лиқ механизмини яратиб, уларни мак-табга, таълимга яқинлаштиришимиз керак бўляпти. Ўқитилмо, бунинг учун таълим-тарбия жараёнида фаол ҳам-корлик қилиб келаётган ота-оналар-ни, ҳеч бўлмаганда, маънавий жиҳат-дан қўллаб-қувватлаш лозимдир. Чун-ки улар изланувчан ва ишתיёқли фар-занд ўстириб, таълим-тарбияга му-носиб ҳисса қўшяпти. Демак, бундай ўқитувчиси ўтса, мақсадга эришиб бўлмайди. Бу дарсни психология, пе-дагогика, физиология билан бирга диний ва дунёвий билимларга эга бўлган тарбиячилар ўтиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, мактабларимизда ху-сусий шериклик асосида охионалар ташкил этиш, 1 — 5-синф ўқувчилари-ни енгил тушлик билан таъминлаш



ланади. Бу таълим маълум бир ва-зирлик ва ташкилотлар иши, деган нотўғри қарашни ўзгариштишда ўзига хос аҳамиятга эга.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз таълим соҳаси-да йиллар давомида таълибни ётган оғир муаммолар, соҳанинг ривожла-нишига тўсиқ бўлаётган омилларни бирма-бир таҳлил этиб, ечимни юза-сидан амалий чора-тадбирларни бел-гилаб берди. Шунингдек, мактаб ди-ректорининг маданият ва маърифат нурини таратадиган инсон бўлиши кераклиги айтиб ўтилди. Мактаб фаолият кўрсатадиган маҳаллада жиноят, акрим ва жанжалларга асло ўрин қолмаслиги, аксинча, мактаб-нинг маърифатли нури соғлом муҳитнинг қарор топишида муҳим ўрин тутуши кераклиги алоҳида таъкидланди.

Умумтаълим мактабларига эркак педагогларни қайтариш, уларнинг маънавий, илмий ҳақида педагогик са-зарда тутилган.



лоҳиятидан фойдаланиш вазифаси мутасаддилар зиммасига юклатилди. Зеро, мактабда тартиб-интизомнинг биринчи ўринга қўйилишида эркак пе-дагогларнинг ўрни жуда катта аҳми-ят касб этади.

Мазкур Фармонни тайёрлаш жа-раёнида ота-оналардан таълим-тарбия соҳасини янада тамокил-лаштиришга оид икки мингдан зиёд тақлифлар келиб тушгани эътиборга олинди. Зеро, юртимизда аҳолининг энг катта қисмини ёшлар ташкил эта-ди. Уларнинг таълим-тарбия толиб, ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб улғайиши ота-оналарнинг ҳам зим-масидаги фарз вазифалардандир.

Фармон лойиҳасида мактаблар-нинг ўқув юкмасини қайта кўриб чиқиш, аниқ фанлар педагогларини мактабларга сафарбар этиш вази-фаси мутасаддилар зиммасига юк-латилди. Унинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ҳудуддаги ҳокимлар-

нинг таълим соҳасига масъул этиб белгиланишидир. Зеро, кўп йиллар мобайнида ҳокимлар таълим соҳа-сидан йироқлашиб кетган эди. Мак-таблардаги барча ҳўжалик ишлари директор ва педагог кадрларнинг зиммасида қилиб кетгани ачинарли ҳол, албатта. Бундан буён мактаб-ларнинг барча ҳўжалик ишлари ҳудо-дий ҳокимларнинг вазифаси этиб белгиланиши таълим соҳасига кўра-тилган юксак рағбат бўлиб қолади.

Абдурахим ҚУРБОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси:

— Алоҳида қайд этиш керак, мак-таб таълими соҳасида олдимизда-ги масалаларни ҳал қилмасдан ту-риб, мақсадимизга эриша олмай-миз. Янги Ренессанс даврига қадам



кўяр эканмиз, мактабларга эътибор беришимиз, ўқитувчининг обрўсини жойига қўйишимиз мақсадга муво-фиқ. Зеро, обод ва фаровон жами-ят барпо этишда устоз ҳақда му-аллимлар катта таянч ҳисобланади.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари Фармони лойиҳасида жамиятда му-аллимнинг обрў-эътибори ва мако-мини кўтариш, ўқув дастурлари ҳақда методикасини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, ўқитувчиларни ортиқ-ча қўғозбозликдан ҳалос этиб, ўз устида кўпроқ ишлаши учун шароит яратиш каби масалаларнинг ечим-лари аниқ белгилаб берилмоқда.

Албатта, мактаб раҳбарлари жон-куяр, фидойи бўлишлари лозим. Халқи учун юраги ёнган, ватанпар-вар кишигина раҳбар бўлиши керак ва зарур. Шундангина баркамол авлодни тарбиялаган бўламиз.

Биз, депутатлар олдида ҳам масъулятни вазифалар юклатилди. Таълим тизимидаги ўзгаришларни халқимизга етказиб, дахлдорлик ҳиссини ошириш, Фармон қабул қилинган, ижросини нозоратга оли-шимиз лозим. Бу, ўз навбатида, таълим жараёнида замонавий пе-дагогик технологияларни қўллаш қўниқмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш, педаго-гик касбга қизиқишни юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳақда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришинг узулсиз тизимини жо-рий қилиш, соҳада таълим, илм-фан ҳақда ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифати-ни яхшилаш борасидаги ишлар қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатаси кўмитасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси томонидан “Яширин иқтисодиёт”га барҳам бериш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш” мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Даромадлар декларацияси коррупцияга барҳам бера оладими?

Видеоконференция тарзида ўтказилган давра суҳбатиди Иқтисодий тараққиёт ва камба-ғалликни қисқартириш ҳақда Молия вазирликлари, Давлат солиқ ҳақда Статистика қўи-талари раҳбарларининг “яширин иқтисодиёт”га қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқар-тириш борасида олиб бори-лаётган ишлар тўғрисидаги маърузалари эшитилди.

Иқтисодий тараққиёт ва кам-бағалликни қисқартириш вази-рлиги келтирган маълумотларга кўра, бугунги кунда тадбиркор-лик фаолиятини юритишда тад-биркорларнинг қонунчилик бўй-ича саводхонлик даражасининг етарли эмаслиги, ноконуний йўллар орқали товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш, бошқона нархларини расмийлаштиришда товарлар нархини паст қилиб кўрсатиш орқали бошқона тўлов-ларидан (бошқона божи, акциз солиғи ва бошқона йиғимлари) қочиб ҳақда банк хизматлари-нинг қамрови ва оммалашуви-нинг пастлиги, шу билан бирга, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизи-мининг (кўчмас мулк ва авто-мобилларнинг иккиламчи бозо-ри, микромолиялаштириш ва х.к.) ривожланмагани ялпи ички маҳсулот таркибиди “яширин иқтисодиёт” қўламининг юқори бўлишига олиб келмоқда.

Бу омиллар тадбиркорлик му-ҳитида тенгсизлишни юзага кел-тириб, ўз ўрнида бошқа тадбир-корлик субъектларининг ҳам яширин фаолият юритишига туртки бўляпти.

Вазирликка бу бўйича тақлиф ва тавсиялар берилди. Молия вазирлиги маърузаси-да хуфиёда иқтисодий битим-лар ҳажмининг энг юқори кўрсаткичларни транспорт воси-талари ва мотоциклларни таъ-мирлаш, туризм, уйин-қулги ва дам олиш, кўчмас мулк билан боғлиқ битимларда қузатилган қийматларга кўра, “хуфиёда иқти-содиёт” ҳақда коррупция дара-жасини камайтиришнинг яна бир усули бу давлат ишчиларининг даромадларини декларация қилиш тақрибаси ҳисобланади. Қўллаб ривожланган давлатлар-да ушбу услуб орқали корруп-ция даражаси анча пастайтирил-ган. Ҳозирда Халқаро валюта фонди экспертлари билан дав-лат ишчиларининг даромадла-рини декларация қилиш маса-ласи чуқур таҳлиллар асосида ўрганилмоқда ва Ўзбекистонда татбиқ этилиши режалаштирил-моқда.

Солиқ тизимида рўй берган ўзгаришлар ҳам “хуфиёда иқти-содиёт” билан курашга ижобий таъсир кўрсатди. Хусусан, солиқ

органлари маълумотиға кўра, аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш тизимини соддалаштириш нати-жасида ҳозиргача 300 минг на-фар фуқаро ўз фаолиятини рас-мий секторга ўтказиш имкони-га эга бўлди. Бироқ норасмий бандлик даражаси қўрилиш, сав-до ва умумий овқатланиш, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида юқорили-гича қолмоқда. Қўйилган қий-мат солиғи (ҚҚС) тизимининг ўзгариши натижасида ҚҚС тўловчилар сони бир йилда 20 фоизга ошган.

Давлат солиқ кўмитаси маъ-лумотиға кўра, узок йиллардан буён “бир қулчи” (обнал) фир-малар фаолияти билан курашиб келинмоқда. Бундай тадбиркор-лар фаолиятини қонунийлашти-риш, жараёнга IT технология-ларини жорий этиш ишлари олиб борилаётир.

Давлат депутатлар ҳали-ҳануз ўз ечимини қўтаётган қўллаб муаммоларга эътибор қаратишди. Хусусан, бугунги кун-да ҳам товарларнинг бизда ко-дификацияси (классификацияси) йўқлиги, савдода чек урмаслик ҳолатлари давом этаётгани, тизимга замонавий аудит механизмларини жорий этиш, солиққа тортишда соҳаларнинг даромадлилигига эътибор қари-тиш, ер ва мулк объектларини солиққа тортишнинг янги кон-цепциясини яратиш ишлари ор-қада қолмоқда.

Халқ вакиллари иқтисодиёт-да яширин фаолият улушини кескин қисқартириш мақсадида бир қатор тақлифларни илгари суришди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотлар эксперт-ларини жалб қилган ҳолда, энг муваффақиятли хорижий давлат-лар тақрибаси асосида “яши-рин иқтисодиёт”ни қисқартириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш-ни тезлаштириш, Иқтисодий та-раққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Молия вазирлик-лари ва Давлат солиқ кўмита-сининг таркибий тузилмалари-га тегишли ўзгаришлар ки-риштиш бўйича аниқ чора-тад-бирлар белгилаш ҳақда инсон омилсиз дастур орқали солиқ текширувларига номзодларни танлаш бўйича “Риск — анализ” дастурига ўтишни тезлаштириш ва текшириш ўтказишда халқ-аро стандартларини қўллаш за-рурлиги ана шулар жумласидан.

Яқунда билдирилган тақлиф-лар, фикрлар асосида кўмита-нинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

САБРЛИ ВА МЕҲНАТКАШ ОДАМЛАРНИНГ ИШИДА БАРАКА БЎЛАДИ

Президентимизнинг жорий йил 13 октябрь куни Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида мазкур ҳудудларда барпо этилган кўп қаватли уйлардан фойдаланиш, уларни доим соз ҳолатда сақлаш бўйича аҳоли ўртасида тарғибот-таъшиқот ишларини тизимли ташкил этиш вазифаси белгилаб берилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов иштирокида Сардоба туманида ушбу топшириқ ижроси юзасидан ташкил этилган Республика ишчи гуруҳи йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, жамоат ташкилотлари масъуллари, вилоят фаоллари ва журналистлар иштирок этди.

Бугунги Сардоба

Йиғилишда янги уйларни тақсимлаш ва аҳолининг ушбу уйларга кўчиб ўтишини ташкил этиш, мазкур ҳудудларда “Хавфсиз маҳалла” тизимини жорий этиш, ҳудуд аҳолиси бандлигини таъминлаш бўйича ки-чик ишчи гуруҳлар тузилиб, мазкур маса-лалар атрофлича муҳокама этилди. Маъ-лумки, жорий йилнинг 1 май куни Сардоба сув омборида юзага келган тошқин оқибати-да Сирдарё вилоятининг Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларидан 89 минг 450 нафар аҳоли хавфсиз ҳудуд-ларга эвакуация қилинган эди.

Ҳозирга қадар уларнинг 90 фоизга яқини уйларига қайтарилди. Қолган аҳоли эвакуа-ция даврида кўчирилган ҳудудларда вақ-тинча яшамокда. Маълумотларга кўра, уларга ҳудудда қурилаётган кўп қаватли ту-раржойлардан хонадонлар ажратилган.

Ишчи гуруҳлар томонидан талафот кўрган ҳудудларда олиб борилган ўрганишда 4 минг 710 та хонадонга зарар етгани, жумладан, 2 минг 211 таси яқросиз, 2 минг 499 таси эса таъмирталаб ҳолатда экани аниқланганли. Президентимиз ташаббуси билан зарар кўрган ҳудудларни қисқа му-датда таъмирлаб, аҳолига қулай шароит яратиш мақсадида Қорақалпоғистон Рес-публикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар томонидан таъмирлаш ишларига 170 га яқин техникалар, 670 дан ортиқ пудратчи корхоналар ва 2 минг 500 нафарга яқин қурувчи-мутахассислар жалб қилинди.

Шинам ва қулай тураржойлар

Йиғилишда мутахассислар томонидан Сар-доба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларидаги талафот етган хонадонлар вакиллари янги қурилган кўп қаватли уйларга жойлаштириш режаси тақдимоти ўтказилди.

Янги уйлар одамларга бегараз тақдим эти-лади. Тураржой биноларини ўз эгаларига тақ-симлаш жараёни шаффоф тарзда амалга оши-рилади. Бу борада ҳар бир маҳалла гузарига янги уй олувчилар ҳақида маълумотлар эълон қилинган.

— Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳеч ким уйсиз қолмайди, ишчи гуруҳ томони-дан янги уйларни тақсимлашда фуқаролар-нинг ҳуқуқлари ўрганиб чиқилди, — деди маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вази-ри, Мирзаобод, Оқолтин ва Сардоба туман-ларида барпо этилган кўп қаватли уйларга кўчиб кириш ва фойдаланишни тизимли таш-кил этиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари Раҳмат Маматов. — “Янги Ўзбекистон”, “Навбахор” ва “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинлари-да барпо этилган кўп қаватли уйларда ҳамма 2 минг 640 та хонадон бор. Дастлаб жисмо-ний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга биринчи ва иккинчи қават-дан уй-жойлар ажратилди. Мазкур ҳудудлар-да улар жами 75 нафарни ташкил этади. Қол-ганлар нечанчи қаватдан хонадон олиши қўра-ташлаш йўли орқали аниқланади. Ҳозир уй-

жой олиш бўйича 1 минг 500 дан ортиқ йиғ-ма жилд тайёр. Мингдан ортиқ ҳужжатларда камчиликлар бор. Тез қўнларда уларнинг ҳў-жатлари ҳам тўлиқ шакллантирилди. Фуқа-ролар уйларга кўчиб киришидан олдин улар билан суҳбатлар ўтказилади. Бунда, асосан, ҳудудда ноконуний қурилмаган қўрсалиқ, кому-нал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, умумий фойдаланиладиган йўллар, уйлар атрофини озода сақлаш борасида тушунтириш берилади.

Маълумки, табиий ва техноген офатлар натижасида етказилган зарар жаҳоннинг қўллаб давлатларида ҳамма ҳам қолган-майди. Сирдарё вилоятининг мазкур ҳудуд-ларида пандемия шароити бўлишига қара-май қисқа вақтда сифатли ва шинам кўп қаватли тураржойлар қурилади. Жумладан, Дўстлик маҳалласида қисқа вақт ичида 37 та 5 қаватли уй-жой қад ростлади. 34 гектар майдонда барпо этилган ушбу шаҳарчадаги кўп қаватли уйларда ҳамма 1 минг 480 хона-дон мавжуд.

Бинолар, асосан, қўйма темир-бетон техно-логияси асосида қурилган бўлиб, бу зил-зилага ўта бардошли ҳисобланади. Энергия теҳамкор панеллариди фойдаланилган. Пан-елларнинг афзаллиги шундаки, хонадонлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлади. Бино қури-лишида ишлатилган материалларнинг деяр-ли барчаси маҳаллий маҳсулотлардир. Бино-да электр энергия, табиий газ, ичимлик ва оқова сув таъминоти мавжуд. Ҳудудда 1 та маҳалла гузарги, 7 та болалар майдончаси бор. Қузатув камералари ўрнатилган.

Шунингдек, “Янги Ўзбекистон” МФИда 800 хонадондан иборат 40 та 5 қаватли уй қурилади. Бунинг учун маҳалла ҳудудини қўриб 12 гектар ер майдони ажратилиб, кўп қават-ли уйлар “White city construction” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан қисқа фурсатларда барпо этилди. Ҳудудда маҳалла гузарги, “Янги авлод” мактабгача таълим ташкилоти, бача бўғалар майдончаси, йўл қоридаси вақт майдончаси, новвойхона, сартарошхона ва қўлувхона бор.

Таъкидлаш кераки, биноларнинг ертўла-сида ҳар бир оила учун 15 квадрат метрдан

алоҳида хона ташкил этилган бўлиб, ундан хонадон эгалари оморхона сифатида фой-даланиши мумкин.

Янги Ўзбекистон, Навбахор ва Дўстлик маҳаллаларидаги барча хонадон тайёр ҳолда тошқиндан жабрланган оилаларга бепул топширилади.

Хорижий тиллар ва ахборот технологиялари фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўргатилади

Юқорида таъкидланганидек, ҳудудда на-фақат кўп қаватли уйлар, балки ижтимоий объектлар ҳам қурилмоқда, зарар кўрган би-нолар таъмирланмоқда.

